Ҳамма — сайловга!

Эртага — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар куни

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 24 декабрь, шанба | №186(21.761.) | Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН--БЕЛАРУС:

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ





Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга расмий ташрифининг иккинчи куни хайрли тадбирдан — буюк узбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий хотирасини ёд этишдан бошланди. 22 декабрь куни у Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида аллома ҳайкали пойига гуллар қўйди. Мамлакатимиз раҳбари Александр Лукашенкога Алишер Навоий қолдирган беқиёс мерос, Ўзбекистоннинг бой маданий ва маърифий тарихи ҳамда ёш авлодларнинг ушбу қадриятларга содиқлиги ҳақида сўзлаб берди.

Машиналар карвони Навоий номидаги миллий боғдан Халқлар дўстлиги саройи томон йўл олди. Олий мартабали меҳмон шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, хусусан, Халқлар дўстлиги майдонидаги муҳташам бинолар мажмуасини алоҳида бир қизиқиш билан томоша қилди. Ислом Каримов Александр Лукашенкога шаҳар тарихи ҳақида сўзлар экан, 1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан сўнг беларус қурувчилари ўзбекистонлик биродарларига кўплаб янги турар жой бинолари барпо этишда катта кўмак берганини айтди.

Шундан сўнг Халқлар дўстлиги саройида иккки давлат раҳбарларининг тор доирадаги суҳбати бўлиб ўтди.

Айни пайтда эса саройнинг иккинчи қаватида Ўзбекистон билан Беларус Республикалари ҳукуматларининг делегациялари ўртасида музокаралар бошланди. Делегация аъзолари ҳар икки республика вазирликлари, турли муассасалари ўртасида манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, узаро маҳсулот айрибошлаш ҳамда савдо—иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Сўнгра мазкур музокаралар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Беларус Президенти Александр Лукашенко иштирокида, кенгайтирилган таркибда давом этди.

Музокаралар якунида давлатлараро, ҳукуматлараро ҳамда ҳар икки давлат муассасалари ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликка оид жами 18 ҳужжат имзоланди. Узбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақидаги Декларация ҳамда Узбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасида маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлиқ қилиш тўғрисидаги Шартномага Узбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Беларус Президенти Александр Лукашенко имзо чекди.

Узбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасида даромад ва мулклардан икки томонлама узаро солиқ олмаслик, автомобил, темир йўл, ҳаво йули ва почта алоқаси бўйича ҳамкорлик ҳақидаги ҳамда 1995 йилга мўлжалланган савдо—иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳужжатларга Узбекистон Бош вазири ўринбосари Ю. Пайгин ҳамда Беларус Бош вазири ўринбосари В. Кокорев имзо қўйди.

Шунингдек, Узбекистон билан Беларус Республикалари Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашувлар ҳақидаги протокол ҳамда тармоқлараро ҳужжатлар имзоланди.

Узбекистон раҳбари Ислом Каримов ва Беларус давлати бошлиғи Александр Лукашенко олий даражадаги учрашувлардан сўнг маҳаллий ҳамда хорижий журналистлар билан учрашиб, уларнинг музокаралар якунига оид саволларига жавоб қайтардилар.

Музокараларда Узбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов қатнашди.

***

Шу куни Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко Тошкентдаги Экспомарказга ташриф буюрди. Беларус раҳбари бу ерда Узбекистоннинг халқ хўжалиги, фан—техника соҳаларида эришган ютуқлари намуналари билан яқиндан танишди.

***

23 декабрь куни Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко раҳбарлик қилаётган давлат делегацияси аъзолари Тошкентда бўлиб ўтган сермаҳсул учрашувлардан сўнг қадимий Самарқанд зиёратига жунаб кетдилар.

Тошкент аэропортида ҳурматли меҳмонни тантанали кузатиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат Президентлари Александр Лукашенко ва Ислом Каримов минбарга кутарилгач, Беларус ҳамда Узбекистон Республикалари давлат мадҳиялари янгради. Сўнгра Президентлар миллий гвардия сафи олдидан ўтдилар.

Тантанали кузатиш маросимида Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

***

Беларус ва Узбекистон Республикалари давлат байроқлари билан безатилган Самарқанд аэропортида олий даражадаги меҳмонни вилоят ҳокими П. Абдурахмонов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров кутиб олди. Миллий либосдаги қизлар Президент Александр Лукашенкога гуллар тақдим этилди.

Зиёрат муътабар қадамжо Мирзо Улуғбек расадхонаси ва унинг мемориал музейи билан танишишдан бошланди. Александр Лукашенко аллома Мирзо Улуғбек ҳайкали пойига гуллар қўйди. Яқинда таваллудининг 600 йиллиги мамлакатимиз халқи ва жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланган олим ва давлат арбоби Улуғбек ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий қўргазмалар, нодир ёдгорликлар ҳамда қайта таъмирланган расадхона Александр Лукашенкода катта қизиқиш уйғотди.

Шаҳардаги Сиёб деҳқон бозорига ташриф пайтида меҳмонлар ҳақиқий Шарқ бозорининг нозу—неъматларини кўздан кечирар экан, узларининг ҳайрат ва ҳавасларини яширмадилар.

— Узбекистон Президенти Ислом Каримов билан учрашувимиз чоғида икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ҳақида келишиб олдик, — деди Беларус Республикаси Президенти журналистлар билан суҳбатда. — Бу борада ун саккизта ҳужжат имзоланган Узбекистон билан Беларус бирбири учун нечоғлик зарур ҳамкорлар эканини тасдиқлайди. Мазкур имзоланган ҳужжатларнинг бирортаси ҳам қоғозда қолиб кетмаслигига ишончим комил. Ислом Каримов билан бўлган суҳбатим ва мамлакатингиз кишилари билан яқиндан танишганимдан сўнг ана шунга амин бўлдим.

Меҳмонлар соҳибқирон Амир Темур мақбарасини ҳам зиёрат этдилар.

Самарқанд вилояти ҳокими Беларус Республикаси Президенти шарафига тантанали қабул маросими уюштирди.

Шу куни Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди ва у Ватанига жунаб кетди. Уни Самарқанд аэропортида Узбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, вилоят ҳокими П. Абдурахмонов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(УзА).

СУРАТЛАРДА: Музокаралар пайти; Тошкент билан танишув.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ ва Р. ШАГАЕВ олган суратлар (УзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ»НИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида:

1. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узбекистон Республикаси Фуқаросининг паспортини жорий этиш билан боғлиқ чора—тадбирлар тўғрисида» 1992 йил 13 ноябрда чиқарган қарорига мувофиқ Узбекистон Республикасининг фуқаролари учун паспортларнинг бланкларини тайёрлаш борасидаги тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Узбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом» тасдиқлансин.

3. «Хорижий шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Узбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги Низом» тасдиқлансин.

4. «Узбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом» амалга киритилсин ва 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб Узбекистон Республикасининг фуқароларига паспортлар бериш, шунингдек, босқичма—босқич алмаштириш таъминлансин.

Узбекистон Республикаси фуқароларининг паспортларини алмаштириш 2000 йилнинг 1 январигача ниҳоясига етказилсин.

Биринчи навбатда 16 ёшга тўлган, муддати ўтиб кетган паспорти бўлган, фамилияси, исми шарифини ёки миллатини ўзгартирмоқчи бўлган тақдирда, шунингдек, паспортни йўқотган ва чет элга жунаб кетиладиган ҳолларда Узбекистон Республикаси фуқаросининг паспортини бериш кўзда тутилсин.

5. Узбекистон Республикаси фуқароларида бўлган паспортларнинг амал қилиши уларни янги нусхадаги паспортларга алмаштиришнинг бутун даври мобайнида сақлаб қолинсин.

6. «Узбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом»ни амалга киритиш бўйича республика комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

Комиссия зиммасига Узбекистон Республикаси фуқаросининг паспортларини бериш ва алмаштириш борасидаги барча тезкор ва жорий масалаларни ҳал қилиш вазифаси юклансин.

7. Узбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Узбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 декабрь.

***

ЭСЛАТМА: Мазкур Фармонга иловалар газетамизнинг навбатдаги сонида эълон қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М. С. ВОСИҚОВАНИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада ҳуқуқий илм—фанни ривожлантириш ва юқ[illegible] малакали мутахассислар тайёрлашдаги кўп йиллик самарали хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳуқуқшунослик кафедрасининг профессори Мамлакат Собировна Восиқовага «Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЗАДАРЁ ТУМАНИНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати қарор қилади:

Наманган вилояти ҳокимининг илтимоси қондирилиб, Задарё туманининг номи Мингбулоқ тумани деб ўзгартирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ-ҚУРИЛИШ КОРПОРАЦИЯСИ («ТОШКЕНТУЙЖОЙИНВЕСТҚУРИЛИШ»)НИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг ва хорижий сармоядорларнинг маблағларини жалб этиш йули билан Тошкент шаҳрида уй—жойлар ҳамда ижтимоий инфраструктура иншоотлари қурилиши ҳажмларини кўпайтириш мақсадида:

1. Тошкент давлат—акционерлик қурилиш корпорацияси «Тошкентқурилиш» Тошкент молия—қурилиш корпорацияси — «Тошкентуйжойинвестқурилиш»га айлантирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент молия—қурилиш корпорацияси: юридик шахс ҳисобланади ва очиқ усулдаги акционерлик бирлашмаси шаклида ташкил этилади;

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, бинокорлик саноатининг қурилиш ташкилотлари, корхоналарини, кредит—молия муассасаларини, инвестиция ташкилотларини, жумладан, ана шундай хорижий муассаса ва ташкилотларни ихтиёрийлик асосида бирлаштиради;

уй—жой облигация заемларини чиқариш ҳуқуқига эга бўлади;

ишлаб чиқариш—хўжалик ва молия фаолиятига оид масалаларни мустақил равишда ҳал этади, марказлаштирилган заҳира, сугурта жамғармалари ҳамда бошқа жамғармаларни ташкил қилади;

ўз фаолиятида Тошкент шаҳар ҳокимлигига ҳисобот беради.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси бошқарувининг раиси ўз лавозимига кўра Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳисобланади.

4. Тошкент молия—қурилиш корпорацияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

Уй—жой ҳамда ижтимоий инфраструктура қурилишининг инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

уй—жой сертификатларини чиқариш ва сотиш йули билан уй—жойлар қурилиши учун аҳоли маблағларини жамлаш (Бундай сертификатлар уларнинг эгаларига қатъиян белгиланган муддатларда шинам квартираларни кафолатли тарзда сотиб олиш ҳуқуқини беради;

уй—жойлар ва ижтимоий инфраструктура иншоотлари қурилиши учун сармояларни жалб этиш, жумладан, кучмас мулк объектларини гаровга қўйиб шундай қурилишларни амалга ошириш.

5. Аҳолининг маблағларини жамлаш ва улардан самарали фойдаланиш, қурилиш иншоотларини пул ва кредит билан таъминлаш ҳамда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси фаолиятига молия—кредит хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бошқа вазифаларни ҳал қилиш мақсадида:

Корпорациянинг таркибида «Узсаноатқурилишбанк»нинг қурилиш булими негизида «Тошсоцуйжойбанк» акционерлик—тижорат банки ташкил этилсин;

«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига, «Узсаноатқурилишбанк» акционерлик—тижорат банкига, «Узбекинвест» миллий сугурта компаниясига, Узбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Узбекистон Республикаси давлат мулки қўмитасига, Узбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига «Тошсоцуйжойбанк» акционерлик—тижорат банкининг муассислари бўлиш тавсия қилинсин;

Узбекистон Республикасининг Марказий банки «Тошсоцуйжойбанк» тижорат инвестиция банкини ташкил этишда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» молия—қурилиш корпорациясига ёрдам кўрсатсин.

6. Узбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 8 февралдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Узбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Узбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА МУЗЕЙЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз тарихини тўлақонли акс эттирувчи ноёб ашёларни тўплаш, уларни асл ҳолича сақлашни таъминлаш, мамлакатимизда шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт—шароитлар яратиш учун уларнинг моддий—техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Мамлакат ҳудудидаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи идоралараро жамоатчилик кенгашини 1—иловага мувофиқ тузсин ва унинг низомини тасдиқласин;

Узбекистон музей бойликлари фонди тўғрисидаги низомни, музейларда сақланаётган музей бойликларини рўйхатга олиш, жамлаш ва сақлаш тартиби тўғрисида йўриқнома ишлаб чиқсин ва уларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

мамлакатимиз фуқароларини чет элларда сақланаётган тарихимизга оид осори—атиқалар билан кенг таништириш ҳамда музейларимиздаги ноёб экспонатлар орқали тарихимизни ва бугунги ютуқларимизни кенг тарғиб этиш учун белгиланган Халқаро тартиб асосида хорижий мамлакатлар музейлари билан ўзаро кўргазмалар

(Давоми 2-бетда)

РЕСПУБЛИКА МУЗЕЙЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

айирбошлаш юзасидан аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва уни амалга оширсин;

Ўзбекистон Фанлар академияси ва республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази билан биргаликда музей ишларини такомиллаштиришнинг 1995-2000 йилларга мўлжалланган устивор йўналишлари ва дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

"Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиокомпанияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳисобидан мамлакатимиз музейларида сақланаётган ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этишга йўналтирилган реклама маҳсулотларини мунтазам чиқариб туришни ташкил этсин;

музейлардаги экспонатларнинг узоқ сақланишини таъминлаш, уларни таъмирлаш ва асл ҳолича сақлаб қолиш мақсадида вазирлик ҳузурида хўжалик ҳисобида иш кўрувчи, чет эл сармояларини жалб этиб, қўшма корхоналар барпо этиш ҳисобига моддий ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этсин.

2. Мамлакатимиз ҳудудидаги музейлар ишининг ягона тизимини вужудга келтириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг марказий аппарати таркибида вазирлик учун белгиланган штатлар бирлиги доирасида 3 ходимдан иборат музей ишлари бошқармаси тузилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Ўзистиқболстат" давлат қўмитаси 1995-1996 ўқув йилидан бошлаб Маданият ишлари вазирлигининг талабномаси асосида олий маълумотли музейшунос мутахассислар тайёрлаш бўйича тегишли ўринлар ажратишни назарда тутсинлар.

4. 1995-1997 йилларда таъмирланадиган ва янгидан қуриладиган иншоотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

"Ўзистиқболстат" давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1995-1997 йилларда Маданият ишлари вазирлиги тақдим этадиган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида иловадаги иншоотларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш ҳамда уларни замонавий жиҳозлашга зарур бўлган техника воситаларини сотиб олиш учун тегишли маблағ ажратишни назарда тутсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда ўз ҳудудларидаги музейлар ишини такомиллаштириш, уларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш бўйича тегишли чора-тадбирларни белгиласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Фанлар академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1995 йилнинг 1 июнигача мамлакат музейларида сақланаётган ва сақланиши лозим бўлган нодир бойликларни қайта рўйхатга олишни таъминласин.

Чет элларга кўргазма учун олиб чиқиб кетилмайдиган ноёб осоратиқалар рўйхатини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги ўн кун муддатда хорижий мамлакатларда кўргазмалар ўтказиш тартибини ва Ўзбекистон музейлари фондидан ноёб экспонатларни олиб бориш меъёрларини ишлаб чиқиб биргаликда тасдиқласинлар, бунда ноёб экспонатларнинг дахлсиз сақланишини ва республикамизга қайтариб олиб келинишини таъминлашга алоҳида эътибор берсинлар ҳамда музейларнинг раҳбарлари ва бошқа тегишли мансабдор шахсларнинг жавобгарлик даражасини назарда тутсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва уларнинг жойлардаги органларига бошқа манфаатдор ташкилотларни жалб этиб, бир ой муддатда музейлар фондларидаги экспонатларнинг йўқолиши ёки ўғирланиши, шунингдек, ноёб экспонатларни сақлаш қоидаларининг бузилиши натижасида уларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлувчи ҳолларни аниқлаш, бунга йўл қўйган масъул шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан текширувлар ўтказиш топширилсин.

Текширувлар якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий масалалар ва маданият бўлимига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 декабрь

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрдаги қарорига 1-илова

Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи идораларо кенгашнинг лавозимлар бўйича ТАРКИБИ

Маданият ишлари вазири — раис

Маданият ишлари вазирлиги музей ишлари бошқармасининг бошлиғи — раис ўринбосари

Олий таълим вазирининг ўринбосари

Ички ишлар вазирининг ўринбосари

Молия вазирининг ўринбосари

Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари

Мудофаа вазирининг ўринбосари

Давлат геология қўмитаси раисининг ўринбосари

Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари

Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти

"Ўзбекенгилсаноат" давлат уюшмаси раисининг ўринбосари

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейининг директори

Ўзбекистон Амалий санъат музейининг директори

Ўзбекистон Қуролли кучлари тарихи музейининг директори

Ўзбекистон тарихи давлат музейининг директори

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг директори

Ўзбекистон Геология музейининг директори

Маданият ишлари вазирлиги тизимига кирувчи музейларнинг директорлари

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрдаги қарорига 2-илова

ТАЪМИРЛАНАДИГАН ВА ЯНГИДАН ҚУРИЛАДИГАН ИНШООТЛАР РЎЙХАТИ

иншоотлар номи	буюртмачи	пудратчи	муддати
1. Ўзбекистон Давлат санъат музейи	Маданият ишлари вазирлиги	"Тошкентқурилиш" давлат корпорацияси	1995-1997
2. Ўзбекистн Давлат санъат ва маданият тарихи музейи (Самарқанд)	Маданият ишлари вазирлиги	"Ўзсаноатҳўжалик — Қурилиш" давлат корпорацияси	1995-1997
3. Ўзбекистон Давлат табиат музейи ва музей фондларини сақлаш учун бино қуриш	—\\—	—\\—	1996-1997

Изоҳ: ушбу иншоотлар республика бюджети ҳисобидан таъмирланади ва қурилади.

Сиёсий воқеа арафасида

ИШОНЧ КЎПРИКЛАРИ

ВИЛОЯТ партия ташкилотида бугунги кунда 31 мингдан зиёд аъзо бўлиб, улар 899 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Ўтган давр мобайнида 12 минг 652 нафардан ортиқ киши партия сафига кирди. У ўз сафида зиёлилар, деҳқонлар, тадбиркорлар, ишчи ва хизматчилар, ёшлар ва фахрийларни бирлаштирган.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, партия аъзоларимизнинг ярмидан кўпроғини ёшлар ташкил қилади. Бу эса вилоят партия ташкилотининг салоҳияти кучлилигидан, келажаги порлоқлигидан дарак беради.

Наманган Давлат университети жамоаси билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Олимларнинг бевосита иштироки билан вилоят партия кенгашида мафкурамизни ўрганиш бўйича намунавий ўқув дастури ишлаб чиқилиб, машғулотлар ўтказилди.

Уйчи туман партия кенгаши "Маънавият — юксак миллий равнақимизнинг бош омили" мавзуида катта кўрик-танлов ўтказди. Чуст туман партия кенгаши фаоллари эса ўрта мактабларда Миллий истиқлол мафкурасини ўргатиш бўйича намунавий ўқув дастурини ишлаб чиқдилар. Хуллас, ишларимиз маълум даврни ўз ичига олган "кампания"га айланиб қолмаслигига эътибор беряпмиз. Партиямиз мафкурасини тарғиб қилиш ва рўёбга чиқариш узоқ муддатли жараён бўлиб, собитқадамлик билан иш олиб бориш талаб этилишини асло унутмаслик керак.

ПАРТИЯ кенгашимиз ўтказаётган тадбирларидан жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганлигини билиш мумкин. Вилоят болалар жамғармаси, Ёшлар Иттифоқи, вилоят хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари билан биргаликда турли тадбирлар ўтказиб келмоқдамиз.

ЖОЙЛАРДА ХДП аъзолари, раҳбарлар, ҳокимият органларидаги масъул ўртоқларнинг аниқ ижтимоий масалалар ёки соҳалар бўйича ҳисоботлари мунтазам эшитиб борилмоқда. Йил бошидан буён партия кенгашлари томонидан бир нечта раҳбар ходимнинг ана шундай ҳисоботлари эшитилди.

Вилоят партия кенгаши томонидан олимлар, партия фаоллари, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳлари тузилди. Бундай гуруҳлар шаҳар ҳамда туман партия кенгашлари қошида ҳам ташкил этилган. Гуруҳлар жойларда бўлиб, партиямиз амалга ошираётган ишларни, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича тадбирларни халқ оммасига тушунтирмоқдалар.

ЭРТАГА Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Бу сафарги кўп партиялилик асосида бўлиб ўтадиган сайловлар орқали демократик парламент ва маҳаллий вакиллик ҳокимияти идоралари вужудга келтирилади.

Вилоят партия ташкилотлари сайловолди ишларига ўта масъулият билан қарадилар. Биз шу кунга қадар бир қатор ишларни амалга оширдик. Ишонамизки, халқ ўз ноибларини ўзи танлайди. Барча жамоат ташкилотларининг вакиллари партиямиз рўйхатидан ўтган номзодларни қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қиламиз. Ҳозирги асосий вазифамиз — олдимизда турган муҳим сиёсий тадбир — сайловларда ишончли ғалабани қўлга киритиш. Энг муҳими, партиямизнинг ғоявий пойдевори, халқ билан ишонч кўприклари мустаҳкамдир.

Матлуба АЛИЕВА,
Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг иккинчи котиби.



Эртага мамлакатимизнинг турли бурчакларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига мамлакатимиз тарихида биринчи марта кўп партиялилик асосида умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Ҳуқуқий давлат сари яна бир муҳим қадам ташлашимиз сайловларни нечоғли уюшқоқлик ва масъулият ҳисси билан ўтказишимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, янги сайловлар ҳаммамиз учун жиддий имтиҳондир.

Иншооллоҳ, юртимизда тинчлик, осойишталик барқарорлиги туфайли эртага илк бор демократик сайловларда иштирок этиш бахтига барчамиз муяссар бўлиб турибмиз, халқимизнинг эзгу ниятлари, орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қатъий бел боғлаган, унинг асл фарзандлари учун овоз беришга шаймиз!

Сиз ушбу суратларда умумхалқ байрамига ҳамма нарса тахт қилинган сайлов участкаларидан айрим лавҳаларни кўриб турибсиз.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

Бизнинг суҳбат

РОСТНИ СЎЗЛАНГ, ҲАҚНИ КЎЗЛАНГ

Шундагина Ватан ва халқ олдидаги фарзандлик бурчингизни ўтайсиз, юртимиз истиқлолини нурафшон чўққиларга кўтаришга ҳисса қўшасиз, муҳтарам бўлажак депутатлар!

Эрта-индиндан бошлаб депутатлик ваколати бошланадиган азиз инсонларга истаклари шундай:

Тошниёз ЖЎРАЕВ, — Дўстлик туманидаги таъмирлаш механика заводи ишчиси, кекса партия аъзоси:

— 74 йиллик ҳаётим давомида қанча сайловларда қатнашиб, овоз бериш қутилари ёнига неча марта борганимни аниқ айта олмайман.

Кўп сайловларнинг қандай ўтганини, депутатларнинг қандай сайланганини яхши биламан. Илгарилари номзод ким бўлиши кераклиги белгилаб бериларди, ёши, касб-кори, жинси, маълумоти ва партиявийлигигача юқоридан кўрсатиларди. Сайловчилар билан номигагина ўтказиладиган учрашувларда қатор наказлар берардик. Лекин уларнинг бажарилганини камдан-кам эслайман. Ҳатто, шундай, депутатларимиз ҳам бор эдики, Москвада яшаб, биз, сайловчиларнинг муаммо ва ташвишларимиз билан қизиқмасди ҳам.

Бугунги кунда халқимизнинг сиёсий онги юксалиб, ҳуқуқий билимлари ошмоқда. Шу сабабли халқимиз ўз депутатларини ўзи сайлайди. Мен бўлажак депутатларимизга: "Ростни сўзланг, ҳақни кўзланг", — дейман.

Келдиер ЖЎРАҚУЛОВ ёзиб олди.

НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ҳақли равишда "Нурчилар шаҳри" деб ном олган Тахиатошдаги савдо-иқтисод техникуми клубида ҳам сайловчилар билан учрашув бўлди. 239-Тахиатош сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашидан номзод — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши котибияти юридик бўлимининг мудири Абдуқаҳҳор Йўлдошев ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзоди — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Изидор Кочмарикнинг ишончли вакиллари номзодларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти тўғрисида гапирдилар.

Номзодлар сайловчиларнинг саволларига жавоб беришди.

***

Конимех туманининг Конимех жамоа хўжалигида 79-Конимех сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига ЎзХДП номзоди — ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши биринчи котиби Баҳриддин Рўзиев, халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидан номзод — Конимех туман марказий касалхонаси шифокори Бектош Шоназаров билан сайловчиларнинг учрашуви бўлди. Депутатликка номзодлар ўз режалари ҳақида гапириб берди. Сайловчилар номидан сўзга чиққанлар номзодларга таклиф, истаклар билдиришди ва барча сайловчиларни сайловлар кунида ўз фуқаролик бурчларини адо этишга чорладилар.

* * *

Тошкент шаҳридаги 38-ўрта мактабда Сархумдон маҳалласи сайловчилари 23-Оқлон сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар билан учрашди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидан номзод — Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театри актрисаси Гулчеҳра Жамилова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзоди — Туркистон саройи бош директори Фарруҳ Зокиров, "Ватан тараққиёти" партияси номзоди — Тошкент Давлат техника университети кафедра мудири Анвар Каримов сайловчилар ҳузурида сўзга чиқиб, сайловолди режаларини баён қилдилар, учрашув қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Депутатликка номзодлар, шунингдек, шаҳардаги "Чорсу" маҳалласи сайловчилари билан ҳам учрашди.

(ЎзА).

Сўз — сайловчиларга

АЁЛЛАР МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПСА

Республикамиз ҳукумати аёлларга, оналар ва болаларга муттасил ғамхўрлик кўрсатиб келаётир. Соғлом авлод яшайдиган Ватангина обод ва қудратли бўлиши муқаррар. Ўйлайманки, янги парламентимиз аъзолари республикамиз хотин-қизларининг ташвиш ва муаммоларига бефарқ бўлмайдилар. Хотин-қизлар меҳнатини енгиллатиш, иш ҳақини кўпайтириш, оналар ва болаларни ижтимоий ҳимояга олиш уларнинг доимий эътиборида бўлади.

Мен пиллакорман. Маълумки, республикамизда пиллани асосан аёллар етиштирадилар. Пилламизни тилламиз, дея улуғлаймиз-у, уни етиштирувчилар меҳнати ҳамон муносиб баҳоланмаяпти. Назаримда, пилланинг харид нархини ошириш керак. Боз устига, меҳнатимизга тўланадиган ҳақни ўз вақтида ололмаймиз. Жумладан, бу йилги ҳосил ҳақи ҳам ҳамон насиялигича турибди. Сайланаётган депутатларимиз парламентда янги қонунлар тайёрлашар экан, ишлаб чиқаришни тараққий эттиришнинг шу каби муҳим омилларига эътибор берадилар, деб умид қиламан.

Тўпахон АБДУЛЛАЕВА,
"Оқолтин" ижара ширкатлари бирлашмаси пиллачилик бригадаси бошлиғи.

ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕА

Бу йил ҳаётимда икки қувончли воқеа содир бўлмоқда. Биринчиси — Халқ демократик партияси сафига қабул қилиндим. Иккинчиси эса вояга етган фуқаро сифатида сайловда овоз бераман. Сайлов округимиздан номзодликка рўйхатга олинган Содиқ Нишонов ва Таспўлат Есимов биз, сайловчилар билан учрашувда ўз режалари, орзу-ўйлари ҳақида гапириб бердилар.

Мени қувонтираётгани шуки, энди ўзимизнинг малакали парламентимиз бўлади. Чин маънодаги ҳуқуқий давлат қурамиз. Янги парламентга сайланадиган депутатларимиз ўз соҳасида билимдон, уқувли кишилар бўлишига шубҳам йўқ. Демак, қонунларимиз мустаҳкам бўлади.

Юлдузой ҚАНТЎРАЕВА,
Дўстлик тиббиёт билим юрти толибаси.

Кекса сайловчи билан мулоқот

ҲАҚ ЙЎЛДАН АДАШМАЙДИ

Рашидхон ота Собировни Хўжаободда билмайдиганлар кам. Кўп йиллар бир соҳада сидқидилдан меҳнат қилиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган бу ажойиб инсон ҳали ҳам тиним нималигини билмайди. Ўзи яшаётган Узункўча маҳалласининг етакчиси сифатида одамларнинг юмуш ва ташвишларини енгиллаштириш масалалари билан шуғулланади. Тўй-маъракаларни кам харж ва серфайз ўтказиш юзасидан зарур чораларни кўради. Хонадонларда бўлиб, бу борада суҳбатлар ўтказади. 70 ёшни қаршилаётган бўлишига қарамай ўзини ҳамиша бардам ва тетик ҳис этувчи отахоннинг зиммасида ҳозир яна бир масъулиятли вазифа турибди. У маҳалла оқсоқоли сифатида бўлажак сайловларни уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ўтказиш юзасидан сайлов участкаларида тушунтириш ишларини олиб борди.

— Бу галги сайлов ўзининг кўпгина афзалликлари билан ажралиб туради, — дейди маҳалла оқсоқоли, ХДП аъзоси Рашидхон ота Собиров, — унда халқимиз ўзи суйган номзодларини депутатликка сайлайди. Мен кўп сайловларда қатнашганман. Аммо ҳозиргидек ҳурфикрлилик асосида ўтказилаётган сайловларни эслай олмайман. Янги шаклланаётган мамлакатимиз парламенти ҳаётида бу сайлов алоҳида ўрин тутади. Республика Олий Мажлисига сайланажак депутатлар олдингидек алоҳида наказлар устида эмас, балки бутун мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан шуғулланадилар. Қонунчилигимиз янги босқичга кўтарилади. Ана шу улуғ ва масъулиятли вазифаларга партиямиз аъзолари ҳам астойдил бел боғлаганлар. Улар чинакамига эл-юрт ҳурматини қозонган, халқнинг муносиб баҳосини олган кишилар. Ишонаманки, халқимиз ҳақ йўлдан адашмайди ва сайловларда ана шундай фидоий кишилар учун овоз беради.

Бу сайлов ҳар биримизнинг ҳаётимизда узоқ муҳрланиб қолади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар учун овоз бериш 1994 йил 25 декабрь куни эрталаб соат 7.00 дан бошлаб кеч соат 20.00 гача давом этади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Республика Қонунининг талабига кўра овоз бериш жараёни қуйидагича ташкил этилади.

Сайловчи овоз бериш биносига келгач, участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдикловчи ҳужжатни кўрсатади ва сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Ҳар бир сайловчи фақат бир овозга эга бўлиб, ўзи учун сайлов бюллетени олиб, овоз бериш ҳукукига эга. Бошқа оила аъзолари учун бюллетень олиш ва овоз бериш қатъиян тақиқланади.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади.

Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг овоз бериш кабинаси ёки хонасида ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра сайлов комиссияси таркибига кирмаган шахсни кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир.

Сайловчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилияларини ўчиради.

Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ номзоднинг фамилияси ўчирилмай қолдирилган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади.

Мисол учун, қуйида келтирилаётган сайлов бюллетенининг намунавий нусхасида учта номзоднинг фамилияси ёзилган бўлиб, сайловчи шулардан ўзи овоз бермоқчи бўлган биттасини қолдириб, қолган икки номзоднинг фамилияси устидан чизиқ чизиб, қарши овоз берганлигини билдиради.

Гарчи сайловчи сайлов бюллетенига қўшимча тарзда бирор бир кишининг фамилиясини ёзиб қўйса ёки бошқа бир ёзув қолдирса, булар инобатга олинмайди.

НАМУНА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатини сайлаш бўйича

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ
ИЗБИРАТЕЛЬНЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ

по выборам депутата Олий Мажлиса Республики Узбекистан

1994 йил 25 декабрь — **25 декабря 1994 года**

Сайлов округининг номери ва номланиши — **Название и номер округа**

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР
КАНДИДАТЫ В ДЕПУТАТЫ

Исломов Зиёвутдин	**Туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими**	**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан**
	Год рождения, партийность, занимаемая должность	**От Народно-демократической партии Узбекистана**
Усмонбеков Рустам Ёқубович	**Туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими**	**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидан**
	Год рождения, партийность, занимаемая должность	**От Ташкентского городского Совета народных депутатов**
Султонов Абдурасул	**Туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими**	**Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партиясидан**
	Год рождения, партийность, занимаемая должность	**От партии «Ватан тараққиёти»**

Сиз карши овоз бераётган депутатликка номзодларнинг фамилияларини ўчириб ташланг.

Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Вычеркните фамилии кандидатов в депутаты, против которых голосуете.

Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата, признается недействительным.

ОБРАЗЕЦ

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлиги тақдирда, аввалдан участка сайлов комиссиясига мурожаат этиб, овоз беришни ўзи турган жойда ташкил этилишини илтимос қилиши мумкин.

Ўзбекистон "ЭКОСАН" халқаро экология ва саломатлик жамғармасида "Марказий Осиё: экологик хавфсизлик муаммоларининг жаҳоншумул тусдалиги" мавзусида халқаро учрашув бўлди. Учрашув Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг яқинда Будапештда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашуви якунларига бағишланди. Минтақамиздаги экологиянинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун "ЭКОСАН" жамғармасига жаҳондаги бир қанча йирик давлатларнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчилари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик, Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасининг раҳбарлари, таниқли олим ва мутахассислар — "ЭКОСАН" Тошкент клубининг аъзолари таклиф этилди.

Учрашув "ЭКОСАН" халқаро жамғармасининг президенти Юсуфжон Шодиметовнинг маърузаси билан бошланди. У анжуман иштирокчиларининг эътиборини республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Будапешт учрашувида сўзлаган нутқидаги экология масалалари билан боғлиқ жиҳатларига қаратди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида,жумладан, Орол денгизи ҳавзасидаги экологик танг вазият хусусида чуқур ташвиш билдириб, ЕХҲК аъзоси бўлган давлатларни бу муаммога эътиборни кучайтиришга даъват этди. Бу ердаги вазият бутун Марказий Осиё минтақасидаги экология мувозанатини жиддий равишда бузмоқда ва аниқ чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Ю.Шодиметов таъкидлаганидек, 1993 йилнинг март ойида Марказий Осиё давлатлари бошлиқлари

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК — МУШТАРАК ИШ

"Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақасини соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш юзасидан биргаликдаги ҳаракатлар тўғрисида битимни имзолаши билан Орол минтақасини соғломлаштириш юзасидан амалда ўзаро келишилган ишлар бошлаб юборилган эди. Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш тузилди, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди.Бу иш шундан кейин ҳам давом эттирилди.Шу йилнинг январ ойида Нукусда Россия Федерацияси ҳукумати вакиллари иштирокида конференция бўлиб ўтди.Унда яқин йиллар ичида Орол денгизи ҳавзасида экология вазиятини яхшилаш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш дастури қабул қилинди.

Учрашув иштирокчилари "ЭКОСАН" жамғармаси фаолияти билан танишдилар. Сўнгги вақтда Марказий Осиёда экологик хавфсизликнинг яхлит дастурини тузишга доир ишлар қучаймоқда. Хусусан, "Орол минтақасини тиклаш", "Тоза сув", "Экология ва саломатлик", "Чиқитлардан фойдаланиш" каби ва бошқа лойиҳалар амалга оширилмоқда.Бироқ, уларни амалга ошириш суръатлари жуда суст. Бунинг асосий сабабларидан бири маблағнинг етишмаслигидир. Орол муаммоси сўнгги вақтда жаҳоншумул тус олди. Шу сабабли ҳам, уни биргалашиб ҳал қилиш лозим. Муҳокама чоғида бу жараёнда ўнлаб халқаро ташкилотлар иштирок этаётгани, аммо уларнинг бераётган ёрдами ҳозирча етарли эмаслиги таъкидланди. Минтақадаги экология вазиятини соғломлаштириш жуда катта маблағ талаб қилади.Орол денгизи ҳавзасидаги аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш, зим, сув хўжалиги тизимини қайтадан ташкил этиш, маҳ[illegible] ўсимликлар ва ҳайвонот оламини сақлаб қолиш ва тиклаш юзасидан зудлик билан чора кўриш зарур. Бу масалаларда тегишли халқаро ташкилотларнинг илмий мадади айниқса асқотади.

Учрашувда иштирок этган олимлар тўпланганларга Оролни сақлаб қолиш йўллари ҳақида сўзлаб бердилар, Марказий Осиёдаги экология мувозанатининг бузилиши оқибатлари бутун Евроосиёда ҳам сезилаётганини эслатиб ўтдилар.

Учрашув якунлари бўйича давлат бошлиқларига, халқаро ташкилотлар раҳбарларига ва бутун жаҳон ҳамжамиятига мурожаатнома қабул қилинди. Ҳужжатда кучгайратларни аввало ижтимоий йўналишдаги экология хавфсизлигининг сира кечиктириб бўлмайдиган асосий вазифаларини ҳал этишга қаратиш зарурлиги уқтирилади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун!

МАҚСАДИМИЗ — ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ!

ЎЗБЕКИСТОН — ГЎЗАЛ ВАТАН,
НИЯТИГА ЗАФАР ЁРДИР.
ЎЗ ЮРТИНИНГ РАВНАҚИ-ЧУН
ПАРТИЯМИЗ САФАРБАРДИР!

Қадрли отахонлар, мўътабар онахонлар!
Азиз ога-ини, опа-сингиллар!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ПАРТИЯМИЗНИНГ ХАЛҚЧИЛ СИЁСАТИНИ УНИНГ ВАКИЛЛАРИГА ОВОЗ БЕРИШ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГ!

25 декабрь — сайловлар куни!

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 26

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Зумрад ва Қиммат". Мультфильм.
18.20 "Ислоҳот одимлари".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Осойишталик посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
19.40 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хизмат кўрсатган хор жамоасининг ҳисобот концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Амир Темур ҳаётидан лавҳалар".
21.50 "Санъатимиз дарғалари". Халқ артисти Ҳалима Носирова.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Ҳамшаҳарлар" видеоканали:
— "Юзма-юз".
— "Волидан муҳтарама".
— "Ҳамшаҳарлар".
20.40 — 21.10 "Шоҳсупа сари" (рус тилида).

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".

*

"ОМАД" таништиради:
19.50 "Совға".
20.10 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
20.30 "Таҳлил".
20.40 Эълонлар.
20.45 Видео — "О".
22.30 Эълонлар.
22.35 "Курьер".
23.05 "... Яна об-ҳаво ҳақида".
23.15 — 23.35 "Постфактум".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Лабиринт". Табиатни бир-галикда асраб-авайлайлик.
18.30 "Сўроқ белгиси".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. В. Кандинский.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Эркак ва аёл".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Спорт уик-энди".
21.55 "Эслаб, излаб".
22.40—23.50 "Матбуот-клуб".

СЕШАНБА, 27

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Бир дунё болалармиз".
9.40 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 — 14.00 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Истиқлол нишоналари".
18.50 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Замира Қулабдуллаева куйлайди.
19.50 Асқад Мухтор. "Умр". Адабий композиция.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Д. Д. Д. ва бошқалар".
22.00 "Кино, кино, кино..."
22.50 — 23.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультфейерверк".
19.15 "Сир эмас..."
19.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.00 "Видеогид".
20.20 "Теле — ателье — шоу".
20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 — 22.50 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".
19.50 "Инсон ва қонун" кўрсатуви почтасидан.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.25 "Ўорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
20.45 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 "Колумб кашф этган диёр". 1-фильм. Вашингтон.
22.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.50 "Бу ажиб дунё".
23.10 — 23.50 "Вариацияли мавзу". Сартарошларнинг халқаро танлови.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Рус олами".
18.30 "СБ" жумбоғи".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. П. Врангель.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 Ҳужжатли фильм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Илк манбадан".
21.50 — 23.45 Ғалабанинг 50 йиллигига. "Тирикларни чорлаймиз". "Инсон тақдири". Бадиий фильм ("Мосфильм", 1959 й.).

ЧОРШАНБА, 28

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Қароқчи чоллар". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 "Мерос". Қорақалпоқ адабиётининг классики Ажиниёз тавалудининг 170 йиллигига.
12.45 "Ислоҳот ҳақида суҳбатлар".
13.15 — 14.30 "Ёшлик" студияси. "Даврага кел, дугонажон".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Тошкентдан гапирамиз". 1-кўрсатув.
18.40 "Деҳқон манфаатини кўзлаб".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Мусиқий дақиқалар.
19.40 "ОМАД" таништиради. "Дўстлик ришталари".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Мустақиллик одимлари". "Ўзбектелефильм" маҳсулоти.
21.55 М. Бафоев, Ю. Исматова. "Улуғбек буржи". "Тановар" миллий рақс ансамблининг телевизион балет спектакли.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Дарсга қўнғироқ".
19.00 "Оқ соя".
19.30 "Бизнес — банк".
19.45 "Ёдингдами, дўстим..."
20.00 "Тошкент оқшомида".
21.00 — 21.40 "Киносаёҳатчилар клуби" — студиямиз меҳмони".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".
19.50 "Чорраҳа".
20.20 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
21.10 — 00.10 "ОМАД" таништиради: "Қитъа спорти".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телераднокомпанияси.
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Э. Карузо.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Қишлоқ ҳаёти" Ю. Черниченко билан".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Монолог".
21.50 — 22.45 "Афсонавий лўли". Н. Сличенко.

ПАЙШАНБА, 29

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Ёшлик" студияси. "Зиё".
10.00 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!"
10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
11.00 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
11.15 Мусиқий дақиқалар.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 — 14.00 "Тимсол" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Тошкентдан гапирамиз". 2-кўрсатув.
18.40 "Бир жуфт қўшиқ".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Қуёшли эл фарзандиман". Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ижодхонасида.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг ҳисобот концерти.
22.00 "Тақдир ҳазили ёки Қушдек енгил бўлинг". Бадиий фильм. 1-серия.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 Жозиба.
18.55 "Бир шингил ҳангома".
19.05 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.25 "Тумор".
19.35 "Теле — ателье — шоу".
19.45 Видео янгиликлари.
20.10 "Толе ёр бўлсин!".
20.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.55 — 22.35 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".
19.50 "Кашф этилаётган имкониятлар".
20.15 Телефильм.
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
21.15 "Ёшлик" студияси. "Тафаккур".

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

22.00 "Ўорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
22.20 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.20 — 24.00 Қўл тўпи бўйича Ўзбекистон чемпионати.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".
18.30 "Миниатюра".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. К. Шанель.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
20.00 "Серпантин". Кўрсатувни М. Захаров олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Москва. Кремль".
22.00 — 23.15 "Мени ўзинг билан олиб кет". Бадиий фильм.

ЖУМА, 30

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 Болалар учун. "Янги йил эртаги". Телеинсценировка.
10.00 "Мен буюк юрт ўғлидурман..." Адабий кўрсатув.
10.30 "Ёшлик" студияси. "Янги йил арафасида".
11.30 Ўсмирлар учун. "Умид учқунлари".
12.05 "Ҳаёт". Публицистик кўрсатув.
12.45 — 13.45 Ёш ижодкорлар концерти.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ўйинқароқ болалар". Мультфильм.
18.20 "Ҳамкасблар".
18.50 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Парвоз" эстрада гуруҳи концерти.
19.40 "Йилнинг муҳим халқаро воқеалари".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Шум болалар чойхонаси". Мусиқий дам олиш дастури.
22.00 "Тақдир ҳазили ёки Қушдек енгил бўлинг". Бадиий фильм. 2-серия.
23.25 — 23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Полопон".
19.00 "Аралаш".
19.20 "Сиз билан, Сизлар учун!"
20.20 "Билиб қўйган яхши".
20.35 "Тошкент байрам оғушида".
21.35 — 22.05 "Чемпион билан учрашув". Л. Черязева.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".
19.50 "Ёшлик" студияси. "Хайрли оқшом".
20.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

*

"ОМАД" таништиради:
21.30 "Кимга қанақа?"
22.00 "Ҳамкорлик ришталари".
22.30 Эълонлар.
22.35 "Даракчи".
22.45 — 00.25 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Инсон ва қонун".
18.30 "Россия тароналари".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Луи де Фюнес.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Мўъжизалар майдони" (давоми).
22.10 — 22.30 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".

ШАНБА, 31

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Қор маликаси". Бадиий фильм.
10.25 "Янги йилим — яхши йилим".
10.55 "Бир жуфт қўшиқ".
11.05 Муродбой Низонов, Меҳмонқул Исломқулов. "Ноёб нусха". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.30 "Ёшлик" студияси. "Ёшлар базми". 1-қисм.
13.30 "Бир жуфт қўшиқ".
13.40 — 14.40 "Шунчаки ҳазил..."

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Лизюкова кўчасида яшовчи мушукча". Мультфильм.
18.10 "Гулғунчалар". 1-қисм.
18.30 "Тошкент" раққосалар гуруҳи.
18.55 Эълонлар.
19.00 "1994 йил — "Ахборот" шарҳи (рус тилида).
19.40 "Гулғунчалар". 2-қисм.
20.00 "Экран куйлари". Киноконцерт.
20.30 "Йилнома".
21.30 Эълонлар.
21.35 "Барча табрик Сизга бўлсин!" Янги йил байрам дам олиш дастури. 1-қисм.
23.45 ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ.
00.05 "Барча табрик Сизга бўлсин!" Янги йил байрам дам олиш дастури. 2-қисм.
01.05 "Йилнома".
02.05 Эстрада калейдоскопи.
02.45 "Лирик тароналар оғушида". Тунги концерт.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Сир эмас..."
10.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
10.30 "Видеогид".
10.50 "Теле — ателье — шоу".
11.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 "Кинонигоҳ".
13.20 "Омад" тақвими.
13.25 Жозиба.
13.45 "Бир шингил ҳангома".
13.55 "Муҳаббатга ошно қалблар".
14.25 "Тумор".
14.35 "Теле — ателье — шоу".
14.45 Видео янгиликлари.
15.10 "Толе ёр бўлсин!"
15.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
15.55 — 17.35 "Кинонигоҳ".

***

18.30 — 04.00 "Тошкент" студияси "ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА" видеоканалига таклиф этади.

ЎзТВ III

10.00 "Нега қиш бўлади?" Фильм-концерт.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.30 "Синема". Европанинг энг яхши фильмлари. 1994 йил.
11.00 — 11.40 Европа эстрадаси юлдузлари.

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.50 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз". Интермарказлар билан Янги йил учрашуви.
20.35 Дўстларимиз табриклари.
20.45 "Колумб кашф этган диёр". 2-фильм. Нью-Йорк.
21.30 Дўстларимиз табриклари.
21.40 "Навоий-Зарафшон". Янги йил учрашувлари.
22.25 Дўстларимиз табриклари.
22.35 "Қалбим қўри". О. Акчурин куйлайди.
23.15 "Кўнгил кўприклари".
23.45 Янги йил қутлови.
00.05 "Қор фантазияси".
00.20 "Кинескоп". Жаҳон киноси ва мультипликацияси тарихи.
01.00 Дўстларимиз табриклари.
01.10 "Бу ажиб дунё".
01.30 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
01.40 Дўстларимиз табриклари.
01.05 — 02.40 Шерхон Хуршид куйлайди.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Париж-Гранада — Дакар" раллиси.
18.05 "Ройаль казиноси". Бадиий фильм (АҚШ, "Коламбия пикчерс").
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.45 "Нима? Қаерда? Қачон?"
22.55 Мультфильм.
23.10 "Янги йил кириб келмоқда".
23.15 — 23.50 "Биз бир-биримизни шунчалар севардик..." Москвада Янги йил учрашуви.

ЯКШАНБА,
1 ЯНВАРЬ 1995 ЙИЛ
ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

ЎзТВ I

8.00 — 10.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

10.00 "Юлдузлар шўъласи". Спорт кўрсатуви.
10.30 "Арча чироқлари ёнганда..."
11.00 Телевизион театр. Комил Аваз, Ибодулла Ниёзматов. "Жаббужўжакнинг ҳийласи".
12.40 "Бир жуфт қўшиқ".
12.50 "Наштар" саҳифаларида.
13.20 "Ёшлик" студияси. "Ёшлар базми". 2-қисм.
14.20 — 14.35 Мусиқий дақиқалар.

***

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Президент арчаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Бир жуфт қўшиқ".
19.35 "Оталар чойхонаси — кулги кошонаси".
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Қўшиқларда шодлигим менинг". Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган концерт.
21.45 ЎзТВ экранида биринчи марта. "Абдуллажон". Бадиий фильм.
23.10 — 23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совға".
17.30 Янги йил мусиқий [illegible] скопи.
18.00 Эълонлар.
18.05 "Мода, мода..."
18.25 Эълонлар.
18.30 Видео — "О".
20.00 Эълонлар.
20.05 Курьер.
20.25 "... Яна об-ҳаво ҳақида".
20.35 "Постфактум".
20.45 "Королева репортажи".
21.45 Эълонлар.
21.50 "Салом, ёшлар!"
22.35 Даракчи.
22.50 Эълонлар.
22.55 — 00.35 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 Болалар учун фильм. "Мюнхгаузен саргузаштлари".

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.40 "Подиум". Янги йил кўрсатуви.
11.00 "Колумб кашф этган диёр". 3-фильм. Сан-Диего.
11.45 — 12.30 "Барча юлдузлар". Гленн Миллер.

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.10 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.20 — 00.50 "Биз бир-биримизни шунчалар севардик..." Москвада Янги йил учрашуви (31 декабрдаги кўрсатув ёзиб олинган).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.40 "1994 йил қўшиқлари". Телевизион фестиваль. Янги йил кўрсатуви.
19.50 "Бир учрашув тарихи". Г. Хазанов ва Л. Измайлов.
20.20 "1994 йил қўшиқлари". Телевизион фестиваль. Янги йил кўрсатувининг давоми.
22.00 — 22.50 "Якшанба".

"СОВҒА"

ЛОТЕРЕЯСИ ОРҚАЛИ СИЗ ЎЗИНГИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН НАРСАНГИЗГА ЭРИШИШИНГИЗ МУМКИН

ҲАЛИ БУНАҚАСИ ҲЕЧ БЎЛМАГАН. "СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИ БИРОР БИР БУЮМНИ ЮТИБ ОЛИШИНГИЗ УЧУН ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ. ЛОТЕРЕЯ ЮТУҚЛАРИДА АВТОМОБИЛЛАР, ВИДЕОАППАРАТУРАЛАР, ТЕЛЕВИЗОРЛАР, ТУРЛИ ҲИЛ МЕБЕЛЬ ЖАМЛАМАЛАРИ, ГИЛАМЛАР ВА БОШҚА КЎПЛАБ КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ БОР.

УНДА ЮТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ҒОЯТ КАТТА. ЎЗИНГИЗ ЧАМАЛАБ КЎРИНГ, ЛОТЕРЕЯ БЎЙИЧА ЮТУҚЛАР ЧИҚАРИЛГАН СУММАНИНГ 70 ФОЙИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

"СОВҒА" лотереясининг билетлари "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларида, ҳамма алоқа бўлимларида, савдо корхоналарида ва жамоатчи тарқатувчилар орқали сотилади.

БИЛЕТ БАҲОСИ — 10 СЎМ.
"СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!
ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 1994 ЙИЛНИНГ 28-29 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

"СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ УЧУН АЖОЙИБ СОВҒАДИР!

"СОВҒА" лотереясини сотиб олсангиз қимматбаҳо ютуқ эгаси бўлишингиз мумкин. Сизни автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари ва шунингдек бошқа халқ истеъмоли буюмлари кутмоқда.

ЎЙНАНГ ВА ЮТИБ ОЛИНГ! ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

Ўзингизни қизиқтирган батафсил маълумотларни эса Сиз "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан олишингиз, шунингдек 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари бўйича ҳам олишингиз мумкин.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ | МАРКАЗИЙ БАНК | ЖАМҒАРМА БАНКИ | "ЎЗБЕКСАВДО" "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А — 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00. Г — 1276, 72841 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

1 2 3 4 5 6.